

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЯЛҒАШЕВ ХУРШИД АБДУҒАНИЕВИЧ

**ТУТНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИПАК ҚУРТНИНГ БИОЛОГИК ҲАМДА
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

УЎК. 638.22+638.23+638.24+638.244.3

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Ялғашев Хуршид Абдуганиевич

Тутнинг янги навларини кўпайтириш самарадорлигини ипак
куртининг биологик ҳамда хўжалик белгилари асосида баҳолаш.....3

Ялғашев Хуршид Абдуганиевич

Оценивание эффективности размножения новых сортов шелковицы
по биологическим и хозяйственным признакам тутового шелкопряда.....27

Yalgashev Xurshid Abduganiyevich

Evaluation of the breeding efficiency of new mulberry varieties by biological
and economic characteristics of the silkworm.....51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЯЛҒАШЕВ ХУРШИД АБДУҒАНИЕВИЧ

**ТУТНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИПАК ҚУРТНИНГ БИОЛОГИК ҲАМДА
ХўЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ФАHLАРИ БўЙичА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx880 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ziyonet.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Шавкат Рамазонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исматуллаева Дилором Адиловна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Раҳманбердиев Ваҳабжан Каримович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи **PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02** – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 «_____» _____соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 546722 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2022 йил «12» октябрдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

А.Газиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б, қ.х.ф.д., к.и.х.

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, қ.х.ф.д., профессор

А.Газиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси қ.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида табиий толалар - пахта, жун ва ипак толаларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда, айниқса, жаҳон бозорида пилла хомашёси ва ипак матоларига бўлган талабни ортиб бориши, ипакчилиги ривожланган давлатларда тут дарахтининг тўйимлилиги ва озуқабоплик даражаси юқори бўлган навларини вегетатив усулда кўпайтириш орқали етиштирилаётган пилла ҳажмини ҳамда сифат кўрсаткичларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро Ипакчилик Комиссияси (INSERCO) маълумотларига кўра тайёрланадиган пилла ипининг асосий улуши «...Хитой Халқ Республикасига 53,4 минг тонна, Ҳиндистонга 33,8 минг тонна, Вьетнамга 0,960 минг тонна, Таиландга 0,520 минг тонна ва 2,1 минг тоннаси Ўзбекистон каби пиллачилик ривожланган давлатларга тўғри келмоқда»¹. Бугунги кунда озуқабоплик хусусияти юқори бўлган тут навларини яратиш орқали ипак қуртининг биологик, пилла маҳсулдорлик ҳамда технологик хусусиятларини яхшилашга жаҳон миқёсида долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Сўнги йилларда дунё селекционер олимлари тут селекцияси йўналишида глобал иқлим ўзгаришларидан келиб чиқиб, кескин континентал табиий иқлим шароитига мос, кимёвий таркиби жиҳатидан тўйимли, ўзида сув сақлаш хусусияти юқори даражада бўлган тут навларини етиштиришнинг янги инновацион технологияларини қўллаб келмоқдалар. Тутчилик ривожланган хорижий давлатларда сифатли тирик пилла ва пилла толаси етиштиришда, озуқавийлиги юқори бўлган тут навларини кўпайтириш ва улардан фойдаланиш борасида илмий асосланган янги агротехнологиялар ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги даврда парваришланаётган тут ипак қурти тухумларининг жонланиши, личинкаларининг ҳаётчанлиги, пилланинг морфо-биологик ҳамда маҳсулдорлик ва ипак толасининг технологик хусусиятлари юқори даражада бўлишини таъминлаш йўналишидаги илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тутчилик ҳамда пиллачилик тармоғини ривожлантириш, айниқса ҳосилдорлиги юқори наводор тут кўчатлари етиштириш, улардан мўл барг ҳосили олиш ҳисобига, пилла тайёрлаш миқдорини ошириш, тут ипак қуртининг истиқболли янги зот ва дурагайларини биологик ва хўжалик қимматли белгиларини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. «...тизимли равишда ҳудудларда янги тутзорлар барпо этиш, эскирган тутзорларни янгилаш, пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш»² муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада янги тут навларини кўпайтириш самарадорлигини морфо-хўжалик белгилари бўйича баҳолаш,

¹ www.inserco.com/stat/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4567-сонли Қарори

тут навларини ўсишига таъсир этувчи табиий муҳит омилларини тадқиқ этиш, навли кўчатларни кўпайтириш, уларни кўкариш ва ривожланиш даражаларини баҳолаш, тўйимлилиги юқори азот ва оксилга бой тут навларининг тут ипак қуртининг пилла маҳсулдорлик ҳамда технологик кўрсаткичларига таъсирига қаратилган илмий-тадқиқотларни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сонли «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 20 мартдаги «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3616-сонли қарорлари ҳамда тармоққа тегишли бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган топшириқлар ижросини бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз табиий иқлим шароитига мос ҳосилдорлиги ва кимёвий таркиби юқори даражада бўлган тут навларини яратиш асосида мавжуд тут ипак қурти зот ва дурагайларини парваришлаш, улардан юқори пилла ҳосили олиш, янги тут дурагайларини морфо-физиологик белгиларини баҳолаш, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ҳамда янги агротехник усулларни ишлаб чиқаришда О. Пўлатов, Ф.Гатин, М.И.Гребинская, Ў.Кўчқоров, Р.Абдуллаев, Ш.Р.Умаров, С.Т.Валиев ва Н.О.Ражабовлар томонидан диққатга сазовор илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган.

Шунингдек, дунё миқёсида турли, кескин ўзгарувчан иқлим шароитларига мос селекцион номерлар асосида танлов жараёнларини амалга ошириш орқали ҳосилдорлик ва хўжалик қимматли белгилари юқори даражада бўлган янги тут навларини тадқиқ қилиш борасида Santoshkumar Magadum, Ghada M, Kunal Sarkar, R.F.Ogunleye, V.Vadolkar, Venkatesh Kumar, Md Habibullah Bahar, Hiroaki Machii, R.B.Thapa каби етакчи хориж олимлари илмий изланишлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришганлар.

Ҳозирги кунга келиб, йирик селекционер олимлар томонидан тут селекциясини самарали усулларида оқилона фойдаланиш борасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Лекин, серҳосил, тўйимлилиги юқори даражада бўлган тут навларини кўпайтириш, хўжалик қимматли белгилари юқори бўлган тут навларини вегетатив усулда кўпайтиришнинг афзалликларини асослаган ҳолда уларни ишлаб чиқариш шароитида кенг қамровли кўпайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим

муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот режаларига мувофиқ 2022 йил 2 февралдаги 7-сонли баённомаси асосида тасдиқланган «Тутнинг янги навларини кўпайтириш самарадорлигини ипак қуртининг биологик ҳамда хўжалик белгилари асосида баҳолаш» ҳамда АЛ-37-2105621 «Тут ипак қуртининг иссиққа чидамли, юқори маҳсулдор зот ва дурагайлари яратиш» мавзуларидаги ташаббускор ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тутнинг янги навларини вегетатив усулда кўпайтириш самарадорлигини тут ипак қуртини биологик, пилла маҳсулдорлик белгилари ҳамда технологик хусусиятлари асосида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тутнинг янги навларини морфо-хўжалик белгилари бўйича тавсифлаш;
янги тут навларини ўстиришда табиий муҳит омилларини тадқиқ этиш;
Мархамат-2017, Жарариқ-12, Мустақиллик-2018 навларини куртак ва искана пайванд усулида кўпайтириш;

пайванд кўчатларини кўкариш даражаси ва ўсиш динамикасини аниқлаш;

янги истиқболли навларни кимёвий таркиби ва хўжалик белгиларини қиёсий баҳолаш;

барг таркибидаги азот ва оксил миқдорини ипак қуртининг маҳсулдорлик ҳамда ҳаётчанлик хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

янги тут навлари баргини ипак қуртининг репродуктив, ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлик ҳамда технологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

янги тут навлари самарадорлигини такрорий қурт боқишда олинган ипак қурти биологик кўрсаткичлари асосида баҳолаш;

тадқиқот натижаларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тутнинг *Morus alba L.* турига мансуб Мархамат-2017, Жарариқ-12, Мустақиллик-2018 ва Таджикская бессемянная тут навлари ҳамда тут ипак қуртининг *Bombyx mori L.* турига мансуб Линия-27, Линия-28, Линия-101, Линия-205 тизимлари ва Jingsong x Naoyue хорижий саноат дурагайи танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, истиқболли тут навларининг хўжалик қимматли белгилари, барг тўйимлилиги, тут навларининг кимёвий таркиби, ипак қурти личинкаларининг ўсиш динамикаси, қуртларнинг биологик ва пилла маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда «Тутчиликда пайвандлаш», «Тутчилик ва пиллачиликда умумқабул қилинган агротехник қоидалар», «Оқ пиллали зотларни парваришлашни агротехник усуллари» ва «Ўртача арифметик кўрсаткичини, хатосини ва ўзгарувчанлик коэффициентини ҳисоблаш» (Н.А.Плохинский) ҳамда умумқабул қилинган вариацион статистика (биометрия, ўзгарувчанлик ва фарқланишнинг аниқлик даражаси) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тутнинг янги навларини вегетатив куртак пайванд усулида кўпайтиришда ҳаво ҳароратини +26-29 °С ва нисбий намликни 45-47 % гача, кўқарувчанлик даражасини 81,3-89,3 % гача, баргининг соф оғирлигини 7,4-7,5 г гача етказиш имкониятлари аниқланган;

альтернатив белги ва хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи 4 хил тут навларида оқсил (14,0-18,4 %), азот (2,46-2,95 %) миқдори ва куртлар ҳаётчанлиги ҳамда пилла вазни ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

тўйимлилиги ва кимёвий таркиби юқори бўлган Мархамат-2017 тут навидан фойдаланиб ипак куртининг Линия-27 селекцион тизими капалаклари тухум маҳсулдорлигини 562 донагача оширишга эришилган, ушбу тут нави барги таъсирида дурагай ипак куртлари ҳаётчанлигини 88,0 % гача ошириш ҳамда касалланиш даражасини 2,2 % га пасайтириш мумкинлиги исботланган;

тутни турли генотипга эга навларининг барги ипак курти насли материали эмбрионал ҳаётчанлигини 97,0 % га, постэмбрионал ҳаётчанлигини 93,0 % га ошириши илмий жиҳатдан асосланган;

юқори пилла ва ипак маҳсулдорликка эга зот, тизимларни ўз потенциалини тўлиқ намоён этиши ҳамда наслчилик ишлари самарасини ошириш учун хўжалик қимматли белгилари юқори бўлган Мархамат-2017 ва Мустақиллик-2018 тут навларидан фойдаланиш ижобий натижалар кўрсатиши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республикамизнинг турли иқлим шароитига эга минтақалари Андижон, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятлари шароитида тутнинг истикболли янги навларини вегетатив усулда кўпайтириш орқали сифатли барг ҳосили етиштириш самарадорлиги асосланган;

янги яратилган Мархамат-2017, Жарариқ-12 ва Мустақиллик-2018 навларидан 3 та вилоятда тутзорлар ташкил этилиб, уларни баргларидан фойдаланган ҳолда юқори навли пилла ҳосили олишга эришилган;

Республикамиз тутчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида пайвандлаш усули орқали наводор тут кўчатлари етиштириш агротехнологиясининг жорий этилиши мамлакатимизда сифатли тут кўчатлари етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар охириги замонавий, инновацион янги услуб ва илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш тажрибалари асосида наводор тут кўчатларини кўпайтириш ва пилла етиштириш бўйича умумқабул қилинган услублар асосида бажарилганлиги, тадқиқот иш илмий натижалари ҳамда бирламчи ҳужжатлар Тошкент давлат аграр университети ҳамда тегишли вазирликлари апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган рақамли маълумотлар биометрик, ўзгарувчанлик, фарқланишнинг аниқланганлик даражаси таҳлилларидан ўтказилганлиги, илмий натижаларни нуфузли етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация илмий

натижалари илмий-амалий давлат лойиҳалари асосида олинганлиги, тадқиқот ишининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги, олинган амалий натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётида жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тутнинг янги навларини кўпайтиришда оптимал шароитларни аниқланганлиги, куртак пайванд усулини янги навларга қўллаш имкониятлари асосланганлиги ҳамда ушбу тут навлари баргини тут ипак куртининг репродуктив, ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, янги тут навлари республикамиз фермер хўжаликлари ва ипакчилик кластерларида парваришланаётган ипак куртларини сифатли озуқа базаси билан таъминлашга ҳамда 1 гектар майдондан олинadиган тут барги ҳосилини оширишга хизмат қилади, шунингдек, диссертация доирасида ишлаб чиқилган «Республикамиз фермер хўжаликларида пайвандлаш усуллари орқали навдор тут кўчатлари етиштириш агротехнологияси» тавсияномаси мамлакатимизда етиштирилаётган навдор тут кўчатларини ҳажмини оширишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тутнинг янги навларини кўпайтириш самарадорлигини ипак куртининг биологик ҳамда хўжалик белгиларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Республикамиз фермер хўжаликларида пайвандлаш усуллари орқали навдор тут кўчатлари етиштириш агротехнологияси» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган, ушбу пайвандлаш усуллари Андижон вилояти Марҳамат тумани «Ипак» фермер хўжалигида 0,30 гектар майдонда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш» қўмитасининг 2022 йил 29 июльдаги 3-2/592-сон маълумотномаси). Натижада янги тут навидан мавжуд стандарт навларга нисбатан 2650 кг кўп барг ҳосили етиштирилиб, иқтисодий самарадорлик 420,9 минг сўмни, соф фойда 399,9 минг сўмни ҳамда рентабеллик даражаси 25,5 % ни ташкил этган;

хўжалик қимматли белгилари юқори Жарарик-12 нави Самарқанд вилояти «Шахноза, Комила, Азизжон» тут уруғи ва кўчатчилигига ихтисослашган фермер хўжалигида 0,20 га майдонда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш» қўмитасининг 2022 йил 29 июльдаги 3-2/592-сон маълумотномаси). Натижада парваришланган 4 қути Jingsong x Наоуе дурагайининг ҳар бир қутисидан 10,6 кг кўшимча пилла ҳосили олинган. Жами олинган иқтисодий фойда 5216,3 минг сўмни, соф фойда 4955,5 минг сўмни ташкил этган. Тажриба вариантыда рентабеллик даражаси 33,3 фоизга кўтарилган;

янги яратилган серҳосил Мустақиллик-2018 нави Хоразм вилояти «Балхи тут» фермер хўжалигида 0,10 га майдонда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш»

қўмитасининг 2022 йил 29 июльдаги 3-2/592-сон маълумотномаси). Натижада мазкур наводан олинган иқтисодий фойда 138,6 минг сўми, соф фойда 131,7 минг сўми ва рентабеллик даражаси 28,2 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола шундан 1 таси хорижий, 4 таси республика журналларида нашр этилган, шунингдек, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда мақолалар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ҳозирги кундаги зарурияти илмий жиҳатдан асосланган, ишнинг ўрганилганлик даражаси, тажрибалар материаллари ҳамда услубётлари келтирилган, шу билан бирга, диссертация ишининг тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилиб, республикамизда фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига қай даражада боғлиқлиги кўрсатилган, диссертация тадқиқотининг мақсад ҳамда вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тут ипак қуртининг парваришlash ва сифатли пилла етиштиришда наводор тутларнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида, тут ипак қуртининг биологик ва хўжалик кўрсаткичларига тут навларининг таъсири, морфологик ва хўжалик белгилари юқори даражада бўлган тут навларининг пилла наводорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири, тут ипак қуртининг етакчи технологик хусусиятларини оширишни асосларига оид маҳаллий ва хориж тадқиқотчиларини илмий изланишлари натижалари таҳлил қилинган. Мавзуга оид бир нечта олимларнинг тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, тут ипак қурти биологик, пилла маҳсулдорлик, технологик кўрсаткичларини оширишда озуқавийлиги, кимёвий таркиби ва сув сақлаш хусусияти юқори бўлган тут навларини юқори самарага эга бўлиши асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот жойи, материали ва услубиётлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, манбаси, тажриба материали, объекти ва услублари баён этилган. Диссертация бўйича

тажрибалар 2020-2022 йиллар давомида Тошкент давлат аграр университети ҳамда бир-биридан фарқ қилувчи турли вилоятларида олиб борилганлиги келтирилган. Тут навлари устида олиб борилган тажрибалар Ипакчилик ИТИ таркибидаги «Тутчилик экспериментал хўжалиги» унитар корхонаси томонидан ажратиб берилган ер майдонларида олиб борилди. Ушбу майдонда тутнинг янги навларини пайвандлаш тажрибалари бажарилди. Ипак қуртини тут навлари билан парваришлаш тадқиқотлари мазкур институтнинг махсус қуртхоналарида ўтказилди.

Тажриба материали сифатида тутнинг янги Мархамат-2017, Мустақиллик-2018 ва Жарариқ-12 навлари олинди. Қиёсловчи сифатида Таджикская бессемянная навидан фойдаланилди. Ипак қуртини парваришлаш тажрибалари учун тут ипак қуртини Ипакчилик ИТИ да яратилган, бир-биридан генотиби бўйича фарқ қилувчи «Линия 27», «Линия 28», «Линия 101», «Линия 205» тизимлари ва хориждан келтирилган «Jingsong x Наоуе» дурагайи танлаб олинди. Тажрибаларда янги тут навларини куртак ва искана пайванд қилиш, уларнинг хўжалик белгилари ва барғи кимёвий таркиби, самарадорлигини, тут ипак қуртининг биологик кўрсаткичлари асосида аниқлаш, янги тут навларини такрорий қурт боқиш мавсумидаги самарасини хориж дурагайининг кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилган усул ва услубиётлар ёритилган.

Диссертациянинг «Тутни янги навларининг қиёсий тавсифи» деб номланган учинчи бобида тутнинг янги Мустақиллик-2018, Жарариқ-12, Мархамат-2017 навлари ўзининг морфо-физиологик кўрсаткичлари жиҳатидан тут ипак қурти озуқа базасига қўйиладиган бирламчи талабларга жавоб бериши, навларнинг барғ пластинкаси кертисизлиги, улардан юқори барғ ҳосили олиш имкониятлари мавжудлиги, куртак пайванд ва искана пайванд усулларини янги навларга қай даражада мос келиши аниқланган. Ҳар бир усул қўлланганда майдондаги кўчатларга азотли, калийли ва фосфорли минерал ўғитлар бир хил миқдорда ва бир хил муддатларда берилиб, ушбу ўғитларнинг тут кўчатларига таъсир даражаси аниқланган.



Мустақиллик-2018 (бахор)



Мустақиллик-2018 (ёз)





Жарариқ-12 (баҳор)



Жарариқ-12 (ёз)



Мархамат-2017 (баҳор)



Мархамат-2017 (ёз)



Таджикская бессемянная (баҳор)



Таджикская бессемянная (ёз)

1-расм. Тутнинг янги навлари баргини ва шохланишини баҳор ва ёздаги кўриниши.

Диссертациянинг «Янги тут навларини вегетатив усулда кўпайтиришни асослаш» деб номланган тўртинчи бобида Мустақиллик-

2018, Жарариқ-12 ва Мархамат-2017 навларини куртак ҳамда искана пайванд усулида кўпайтиришни илмий асослари, турли пайвандлаш усулларида олинган наводор тут кўчатларининг етакчи хўжалик белгилари таҳлил этилган.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиб шунга амин бўлдики, янги навлар ичида Мархамат-2017 навининг кўкариш даражаси Мустақиллик-2018, Жарариқ-12 навларига нисбатан юқорироқ экан. Йиллар бўйича натижаларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йилда Мархамат-2017 ва Таджикская бессемянная навларидан қилинган куртак пайванднинг кўкарувчанлиги 90,0 % ни, қолган икки навда 86,0 % ни ташкил этган. 2021 йилда эса 6 % дан 8 % гача пасайишини кузатиш мумкин. Яъни, Мархамат-2017 навида 82,0 %, Мустақиллик-2018 навида 80,0 %, Жарариқ-12 навида 78,0 % ва Таджикская бессемянная навида 88,0 % пайвандлар кўкариши кузатилган.

1-жадвал

2020-2022 йилларнинг апрель ойида куртак пайванд қилинган тут навларини кўкариш даражаси

Тут навлари	Йиллар	Пайванд қилинган тут навлари, дона	Кўкариш даражаси	
			дона	фоиз (%)
Мархамат-2017	2020	50	45,0	90,0
	2021	50	41,0	82,0
	2022	50	42,0	84,0
	Ўртача	50	43,0±0,86	85,3±1,7
	Pd	-	0,750	0,830
Мустақиллик-2018	2020	50	43,0	86,0
	2021	50	40,0	80,0
	2022	50	41,0	82,0
	Ўртача	50	41,3±0,64	83,0±1,3
	Pd	-	0,984	0,979
Жарариқ-12	2020	50	43,0	86,0
	2021	50	39,0	78,0
	2022	50	40,0	80,0
	Ўртача	50	41,0±0,87	81,3±1,73
	Pd	-	0,970	0,976
Таджикская бессемянная (қиёсловчи)	2020	50	45,0	90,0
	2021	50	44,0	88,0
	2022	50	45,0	90,0
	Ўртача	50	44,7±0,24	89,3±0,47

2022 йилги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, пайвандни кўкариш фоизини энг максимуми Таджикская бессемянная навида кузатилди – 90 %. Лекин тажриба навларимиздан Мархамат-2017 навида кўкариш фоизи 84,0 % ни ташкил этди. Умуман олганда, шу учта навлардан Мархамат-2017 нави энг юқори кўкариш даражасини намоён этди.

Мустақиллик-2018, Жарариқ-12, Мархамат-2017 ва Таджикская бессемянная навларида куртак пайванд усулида пайвандларни кўқарувчанлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, Таджикская бессемянная нави куртак пайванд кўқариш даражаси бўйича ҳали ҳамон энг устунликка эга экан ва навларимиздан Мархамат-2017 нави бошқа навларга нисбатан куртак пайванд усулида кўпайтиришга жуда мослиги билан ажралиб туради.

Бевосита искана пайванд қилиш орқали Мустақиллик-2018, Жарариқ-12, Мархамат-2017 ва Таджикская бессемянная навларини кўпайтириш бўйича олинган натижаларга ўтадиган бўлсак, ушбу тажрибалар куртак пайванд тажрибалари билан параллел равишда ўтказилди. Олинган натижалар 2-жадвалида келтирилади.

Искана пайванд усулида янги навларни кўпайтириш натижаларини таҳлил қиламиз. Демак, 2020-2022 йиллар давомида хар йили 50 донадан кўчатга янги навлар қаламчаси искана пайванд қилиб борилди. Пайвандтаг бўлиб, турли тут кўчатлари хизмат қилди. Ушбу тажрибанинг асосий кўрсаткичи пайванд қаламчани кўқарувчанлиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда навлар бўйича қуйидагича тақсимланди: Мархамат-2017 навида 62,0 %, Мустақиллик-2018 навида 64,0 %, Жарариқ-12 навида 64,0 % ва Таджикская бессемянная навида 70,0 %. Эътиборлиси энг юқори кўқариш фоизи Таджикская бессемянная навида аниқланди. Кейинги ўринларни Мустақиллик-2018 ва Жарариқ-12 навлари эгаллади. Мархамат-2017 нави эса охириги натижани кўрсатди.

2-жадвал

2020-2022 йилларнинг февраль ойида Хоразм вилояти шароитида искана пайванд қилинган тут навларини кўқариш даражаси

Тут навлари	Йиллар	Пайванд қилинган тут навлари, дона	Кўқариш даражаси	
			дона	фоиз (%)
1	2	3	4	5
Мархамат-2017	2020	50	31,0	62,0
	2021	50	37,0	74,0
	2022	50	33,0	66,0
	Ўртача	50	34,0±1,30	67,3±2,50
	Pd		0,591	0,352
Мустақиллик-2018	2020	50	32,0	64,0
	2021	50	36,0	72,0
	2022	50	31,0	62,0
	Ўртача	50	33,0±1,10	66,0±2,16
	Pd		0,637	0,540
Жарариқ-12	2020	50	32,0	64,0
	2021	50	35,0	70,0
	2022	50	34,0	64,0
	Ўртача	50	34,0±0,64	66,0±1,25
	Pd		0,750	0,637

2-жадвал давоми

1	2	3	4	5
Таджикская бессемянная (қиёсловчи)	2020	50	35,0	70,0
	2021	50	38,0	76,0
	2022	50	34,0	64,0
	Ўртача	50	36,0±0,86	70,0±1,73

2021 йил натижаларини қиёслайдиган бўлсак, биринчи навбатда кўкариш фоизи 2020 йилдагига нисбатан 6-8 % га ошганини кўриш қийин эмас. Лекин, навлар кесимида кўкариш фоизи бир оз ўзгарди. Яъни, энг юқори натижа Таджикская бессемянная навида аниқланган бўлса (76,0 %), аввалги йилда энг охирги кўрсаткичга эга Мархамат-2017 нави бу йилда 74,0 % кўрсаткич билан бошқа навлардан олдинга ўтиб кетди. Мустақиллик-2018 ва Жарариқ-12 навларининг кўкариш фоизи мос равишда 72,0 % ва 70,0 % ни ташкил этди.

2022 йилги тажриба натижалари аввалги йиллар даражасида ёки бир оз ўзгарганини кўриш мумкин. 3 йиллик ўртача кўкариш даражаси Таджикская бессемянная навида 70,0 % ни ташкил этиб, бу нави юқори потенциалга эга эканлигини тасдиқлади. Учта янги навларнинг искана пайванд усулида кўкариш даражаси деярли бир хил намоён бўлганини таъкидлаш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг кейинги босқичида биз янги 3 хил нав ва қиёсловчи Таджикская бессемянная навининг барг сатҳи ва унинг оғирлигини аниқладик. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ишлари ҳар йили ипак қуртларини баҳорги парваришлаш мавсумида, қуртларнинг 5-ёшининг ўртасида амалга оширилди. Ҳар бир навнинг дарахтларидан барглар териб келинди ва уларни якка тартибда бўйи, эни, бандининг узунлиги ўлчанди. Шу барглар банди билан ва бандисиз алоҳида тарозида тортилди. Аниқланган оғирликлар асосида баргнинг соф оғирлиги аниқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткичлар янги навларни қуртак пайванд ва искана пайванд усулида олинган янги ўсимликларида алоҳида вариант сифатида қиёслаш мақсадида аниқланди. Кўрсаткичлар 3 ва 4-жадвалларда келтирилади.

3-жадвал рақамлари янги навлардан олинган барг намуналарини ўлчамлари ва вазнига бағишланган бўлиб, Мархамат-2017, Мустақиллик-2018, Жарариқ-12 ва Таджикская бессемянная навларини ўзаро бир-биридан фарқини аниқ кўрсатиб турибди.

2020 йил баҳор мавсумида олинган барг намуналарининг узунлиги бўйича энг узун барг Мархамат-2017 нави деб аниқланди (узунлиги 25,7 см, эни 19,4 см). Кейинги ўринда Мустақиллик-2018 нави бўлиб, унинг узунлиги 23,5 см ва эни 19,6 см га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичлар қиёсловчи Таджикская бессемянная навида мос равишда 17,4 см ва 15,0 см ни ташкил этди. Барг вазнига тўхталадиган бўлсак, баргни соф оғирлиги бўйича ҳам Мархамат-2017 нави энг юқори кўрсаткични намоён этди – 6,8 г.

Мустақиллик-2018 ва Жарариқ-12 навлари бир хил 6,1 г оғирликка эга бўлиб, ушбу вазн қиёсловчи Таджикская бессемянная навида 3,6 г га тенг бўлди.

3-жадвал

Куртак пайванд қилинган тут навларининг барг сатҳи ва оғирлиги

Навлар номи	Тажриба йиллари	Ўртача кўрсаткичлар, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, см			Ўртача кўрсаткичлар, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, г		
		барғни узунлиги	барғни эни	барғ банди узунлиги	барғ банди билан оғирлиги	бандини оғирлиги	барғни тоза оғирлиги
Мархамат-2017	2020	25,7±2,09	19,4±0,35	6,6±0,05	8,1±0,67	1,3±0,23	6,8±0,65
	2021	21,4±0,34	18,7±0,38	5,7±0,30	8,2±0,28	1,3±0,16	7,7±0,15
	2022	22,0±0,20	20,1±0,12	6,5±0,37	8,6±0,12	1,0±0,14	7,6±0,11
	Ўрт.	23,0±0,95	19,4±0,30	6,3±0,20	8,3±0,10	1,2±0,07	7,4±0,20
	Pd	0,993	0,999	0,983	0,999	0,999	0,999
Қиёсловчига нисбатан, %		134,5	140,5	126,0	193,0	240,0	194,7
Мустақиллик-2018	2020	23,5±1,78	19,6±0,27	5,7±0,17	7,1±1,00	1,0±1,32	6,1±1,28
	2021	23,3±0,41	18,0±0,52	6,1±0,25	6,3±0,33	0,8±0,14	5,6±0,32
	2022	25,6±0,40	17,7±0,31	6,6±0,20	6,6±0,20	0,8±0,03	5,8±0,18
	Ўрт.	24,1±0,52	18,4±0,42	6,1±0,18	6,7±0,17	0,9±0,05	5,8±0,10
	Pd	0,999	0,999	0,970	0,999	0,999	0,999
Қиёсловчига нисбатан, %		141,0	133,3	122,0	156,0	180,0	152,6
Жарариқ-12	2020	20,5±0,73	19,0±0,40	5,2±0,10	6,8±1,47	0,8±0,71	6,1±1,00
	2021	20,0±0,23	17,1±0,21	5,7±0,27	6,0±0,15	0,7±0,13	5,0±0,44
	2022	18,4±0,11	17,0±0,10	5,8±0,04	6,7±0,05	0,9±0,01	5,8±0,04
	Ўрт.	19,6±0,45	17,7±0,46	5,6±0,13	6,5±0,17	0,8±0,04	5,6±0,23
	Pd	0,987	0,994	0,898	0,999	0,932	0,999
Қиёсловчига нисбатан, %		114,6	128,2	112,0	151,1	160,0	147,3
Таджикская бессемянная (қиёсловчи)	2020	17,4±2,13	15,0±0,55	5,3±0,06	4,1±0,81	0,5±1,01	3,6±1,60
	2021	16,9±0,13	13,4±0,06	4,5±0,15	4,5±0,05	0,5±0,06	4,0±0,05
	2022	17,0±0,12	13,1±0,18	5,1±0,07	4,3±0,13	0,6±0,34	3,9±0,14
	Ўрт.	17,1±0,11	13,8±0,42	5,0±0,17	4,3±0,08	0,5±0,07	3,8±0,08

Бу кўрсаткич янги навлар барғи вазнини икки баробар юқорилигини кўрсатиб турибди. 2021 йилнинг кўрсаткичлари деярли 2020 йил даражасида, лекин Мархамат-2017 навида барғ узунлиги бир оз қисқарган-21,4 см. Барғнинг эни ҳам шунга мос-18,7 см.

Ушбу барғ узунлиги бошқа навларда 2020 йил кўрсаткичлари даражасида. Фақат Таджикская бессемянная навининг кўрсаткичлари пасайган. Навларнинг барғини соф оғирлиги Мархамат-2017 навида 7,7 г, Мустақиллик-2018 навида 5,6 г, Жарариқ-12 навида 5,0 г ва қиёсловчи Таджикская бессемянная навида 4,0 г га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар ҳам

янги навларни серҳосил эканини кўрсатиб турибди. 2022 йилги ва уч йиллик ўртача маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, барг узунлиги бўйича энг юқори натижани Мустақиллик-2018 нави намоён этганини кўриш мумкин (24,1 см). Лекин баргни соф оғирлиги Мархамат-2017 навида юқорирок бўлди (7,4 г), қиёсловчига нисбатан оладиган бўлсак, устунлик 194,7 % ни ташкил этди. Шу ўринда бошқа навларни ҳам барг узунлиги ва соф оғирлиги талаб даражасида эканини таъкидлаб ўтиш керак.

Юқорида биз янги навларни куртак пайванд усулида кўпайтириш тажрибаси доирасида барг узунлиги, унинг вазни қай даражада намоён бўлишини ўргандик. Бизнинг тадқиқотимизда иккинчи пайванд усули, яъни искана пайванд усули ҳам синовдан ўтди. Кейинги барг таҳлиллари ушбу усулда олинган янги кўчатлар мисолида бўлади. Тажрибани бажариш учун биз искана пайванд қилиб олинган ўсимликлардан олинган барг намуналарини ўлчаб, тарозида тортдик. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилади.

Искана пайванд усулида олинган янги кўчатлар баргларининг таҳлили келтирилган 4-жадвалдан кўриниб турибдики, Мархамат-2017 навининг барг узунлиги ҳам, оғирлиги ҳам бошқа навлардан сезиларли устунликка эга.

4-жадвал

Искана пайванд қилинган тут навларининг барг сатҳи ва оғирлиги

Навлар номи	Тажриба йиллари	Ўртача кўрсаткичлар, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, см			Ўртача кўрсаткичлар, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, г		
		баргни узунлиги	баргни эни	барг банди узунлиги	баргни банди билан оғирлиги	бандни оғирлиги	баргни тоза оғирлиги
1	2	3	4	5	6	7	8
Мархамат-2017	2020	25,5±2,57	21,4±0,84	6,0±2,15	8,6±0,16	1,2±2,05	7,6±3,20
	2021	22,3±0,17	17,6±3,49	5,4±1,04	8,3±0,42	1,1±0,05	7,5±1,33
	2022	21,0±0,46	18,2±0,21	5,8±0,18	8,1±0,14	1,1±0,10	7,4±0,13
	Ўрт.	23,0±0,95	19,1±0,84	5,7±0,13	8,3±0,10	1,1±0,03	7,5±0,04
	Pd	0,983	0,979	0,979	0,999	0,999	0,999
Қиёсловчига нисбатан, %		130,0	131,0	116,3	176,6	220,0	187,5
Мустақиллик-2018	2020	24,2±0,66	18,6±0,58	6,2±0,30	6,3±0,50	0,75±0,05	5,6±0,51
	2021	22,4±0,20	17,7±0,22	6,0±0,19	6,2±0,20	0,9±0,21	5,7±0,91
	2022	23,6±0,95	18,0±0,04	5,8±0,33	6,4±0,08	0,9±0,23	5,8±0,17
	Ўрт.	23,4±0,37	18,1±0,18	6,0±0,11	6,3±0,06	0,8±0,06	5,7±0,05
	Pd	0,999	0,996	0,999	0,993	0,999	0,999
Қиёсловчига нисбатан, %		132,2	124,0	122,4	134,0	160,0	142,5

4-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
Жарариқ-12	2020	18,6±0,30	16,4±0,32	5,4±0,35	6,0±0,15	0,6±0,16	5,4±1,27
	2021	21,0±0,17	17,8±0,11	6,0±0,19	7,1±2,15	0,9±0,14	6,2±0,13
	2022	19,2±0,04	18,3±0,40	5,7±0,16	6,6±1,00	0,8±0,21	6,0±0,37
	Ўрт.	19,6±0,72	17,5±0,57	5,7±0,17	6,6±0,32	0,8±0,10	6,0±0,26
	Pd	0,884	0,979	0,984	0,990	0,970	0,995
Қиёсловчига нисбатан, %		110,7	120,0	116,3	140,4	160,0	150,0
Таджикская бессемянная (қиёсловчи)	2020	16,7±1,51	13,4±0,06	4,6±0,15	4,6±0,05	0,5±0,08	3,8±0,05
	2021	19,1±0,23	15,7±0,63	5,1±0,04	5,4±0,43	0,6±0,13	4,7±1,05
	2022	17,2±0,26	14,6±0,54	5,0±0,03	4,2±0,26	0,5±0,04	3,6±0,02
	Ўрт.	17,7±0,73	14,6±0,70	4,9±0,15	4,7±0,35	0,5±0,03	4,0±0,34

Бу устунлик 2020 йилги рақамларда баргни узунлиги 25,5 см ва соф вазни 7,6 г бўлгани билан яққол кўзга ташланади. Ушбу кўрсаткичлар Мустақиллик-2018, Жарариқ-12, Таджикская бессемянная навларида мос равишда 24,2 см, 5,6 г; 18,6 см, 5,4 г ва 16,7 см 3,8 г га тенг бўлди. 2021 йилда эса, барг узунлиги бўйича Мустақиллик-2018 нави, Мархамат-2017 нави билан бир хил кўрсаткичларга (22,4 см ва 22,3 см) эга бўлсада, баргнинг соф оғирлиги барибир Мархамат-2017 навида 7,5 г даражасида сақланиб қолди. Мустақиллик-2018 навининг баргини соф оғирлиги 5,7 г ни ташкил этди. Қиёсловчи Таджикская бессемянная навининг кўрсаткичлари 3 та янги навлардан паст даражада намоён бўлди.

2022 йилги кўрсаткичлар барг узунлиги бўйича Мустақиллик-2018 навини (23,6 см) ва баргни соф оғирлиги бўйича Мархамат-2017 навини (7,4 г) устунлигини кўрсатди.

Уч йиллик маълумотларга кўра, искана пайванд усулида олинган навдор кўчатларнинг барг узунлиги ва барг вазни куртак пайванд усули билан деярли бир хил даражада бўлиши кузатилган. Уч йил давомида янги навларни 2 хил усулда кўпайтириш тажрибаларида 4 хил навнинг барг ўлчами ва уни вазни кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқ аниқланмади. Янги навларда пайвандлаш усуллари қўлланилиши уларни хўжалик белгилари самарадорлигини ошириши илмий жиҳатдан асосланганлигини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг «Тут навларини ипак қуртининг биологик кўрсаткичлари асосида баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида барг таркибидаги азот ва оқсил миқдорини ипак қуртининг пилла маҳсулдорлигига ҳамда қуртлар ҳаётчанлигига таъсири, тут навлари ва ипак қуртининг биологик белгилари ўртасидаги алоқадорлик ҳамда тут навларини тут ипак қуртининг турли тизимлари пилла маҳсулдорлигига таъсири аниқланган.

Биринчи марта тут барги таркибидаги оқсил ва азот миқдори тут ипак

қуртининг бевосита ҳаётчанлиги ва пилла вазни, ипакчанлигига қандай таъсир кўрсатиши бўйича натижалар олинди. 2020-2022 йиллар давомида аниқланган маълумотлар 5-жадвалдан ўрин олган.

5-жадвал

Тут навларининг баргидаги оқсил ва N миқдори, қуртлар ҳаётчанлиги ва пилла маҳсулдорлиги (Линия-27)

Тут навлари	Йиллар	Азот миқдори, %	Оқсил миқдори, %	Қуртлар ҳаётчанлиги $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$, %	Пилла-нинг вазни $\bar{X} \pm S_x$, г	Пилла қобиғининг вазни $\bar{X} \pm S_x$, мг	Ипакчанлик $\bar{X} \pm S_x$, %
Мархамат-2017	2020	2,86	17,9	86,0±0,30	1,86±0,01	463±4,21	25,0±0,20
	2021	2,73	17,29	87,2±0,35	2,01±0,05	487±5,0	24,2±0,16
	2022	2,85	17,82	89,5±1,13	1,84±0,05	460±0,02	25,0±0,94
	Ўрт.	2,81±0,04	17,7±0,2	87,5±1,03	1,90±0,20	470±8,55	24,7±0,26
	Pd	0485	0,465	0,540	0,943	0,937	0,076
Мустақиллик-2018	2020	2,72	17,0	85,0±0,39	1,82±0,03	460±9,95	25,3±0,18
	2021	3,11	19,29	85,6±0,94	1,91±0,01	460±6,34	24,1±0,21
	2022	3,01	18,84	87,0±1,04	1,81±0,08	454±5,32	25,0±1,72
	Ўрт.	2,95±0,1	18,4±0,7	85,8±0,60	1,85±0,03	458±2,00	24,8±0,40
	Pd	0,540	0,679	0,224	0,925	0,920	0,076
Жарариқ-12	2020	2,67	16,7	85,6±0,52	1,81±0,01	451±5,02	25,0±0,20
	2021	2,63	16,47	84,0±0,28	1,8 ±0,04	472±4,71	25,4±0,19
	2022	3,05	19,08	91,7±2,40	1,70±0,15	413±16,3	24,3±1,20
	Ўрт.	2,80±0,1	17,4±0,8	87,1±2,35	1,79±0,05	445±17,3	25,0±0,33
	Pd	0,425	0,591	0,830	0,509	0,456	0,362
Таджикская бессемянная (қиёсловчи)	2020	2,51	11,3	82,0±1,97	1,77±0,11	425±0,17	24,0±0,50
	2021	1,48	9,28	81,2±0,46	1,75±0,03	451±0,25	25,7±0,43
	2022	3,40	21,28	91,2±2,05	1,71±0,20	417±10,0	24,4±2,16
	Ўрт.	2,46±0,5	14,0±3,7	84,8±3,21	1,74±0,02	431±10,3	24,7±0,51

5-жадвалдаги қиёсий олинган кўрсаткичлар бир-биридан аниқ фарқ қилганини кўриш мумкин. Бу жадвалда биринчи навбатда учта янги навларимиздаги оқсил ва азот миқдори юқори экани кўзга ташланади (2,81-3,05% ва 17,4-18,4%). Бу кўрсаткичлар қиёсловчи Таджикская бессемянная навида мос равишда 2,46% ва 14,0% ни ташкил этди. Энди эътиборимизни тут ипак қуртининг Линия 27 тизимини қуртлар ҳаётчанлигига қаратамиз, ва уч йиллик ўртача кўрсаткичларга кўра озука таркибида қанчалик азот ва оқсил кўп бўлса, қуртлар ҳаётчанлиги мос равишда юқорироқ бўлишини кўриш мумкин. Бу натижа юқори технологик кўрсаткичлар ва ингичка ипак толасига эга «Линия 27» тизимининг қуртлар ҳаётчанлиги азот ва оқсил миқдори бирмунча юқори бўлган тут навлари билан парваришланганда қиёсловчи вариантга нисбатан 1,0-2,7% га юқорироқ кўрсаткичлари билан ўз исботини топди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, яъни тажрибаларимизда фойдаланилган Таджикская бессемянная нави Марказий Осиё худудида

фойдаланиб келинаётган узоқ йиллик навлар сирасига киради, лекин ишлаб чиқаришда асосан Хасак тут нави ва эркин чатишган дурагай тутлардан кўпроқ фойдаланилади. Агар ушбу навларга нисбатан оладиган бўлсак, қуртлар ҳаётчанлиги бўйича устунлик бундан ҳам юқори даражага етиши мумкин.

Ҳар йили ушбу тизимларнинг 4 хил вариантда боқиб олинган насли пиллалари танланди ва улардан чиққан капалаклар чатиштирилиб, кейинги авлод тухум қуймалари тайёрланди. Тайёрланган тухум қуймалари қишлоқ даврида тўлиқ таҳлил қилинди ва энг муҳим бўлган пуштдорлик кўрсаткичлари яқка тарзда аниқланди. Бунинг учун ҳар бир тизимни 4 хил вариантда олинган тухум қуймалари саналди, тухум қуймалари тарозида тортилди ва тухум қуймасидаги қуриб қолган ва оталанмаган уруғлар улуши аниқланди. Қуйидаги 6-жадвалда «Линия-27», «Линия-28», «Линия-101», «Линия-205» тизимларининг пуштдорлик кўрсаткичлари ҳавола қилинган.

Уч йил давомида пуштдорлик белгиларини таҳлил қилиб, шуни аниқладикки, пуштдорлик даражаси, биринчи навбатда тут ипак қурти генотипига боғлиқ бўлса, кейинги навбатда озука сифатига ҳам боғлиқ экан. Ушбу фикримизни тасдиғи сифатида олинган рақамларни йиллар кесимида таҳлил қиламиз.

6-жадвал

Тут ипак қурти тизимларининг репродуктив кўрсаткичлари (2020-2022 йй., баҳор)

Парваришланган тизимлар номи	2020-2022-йиллар	1 дона капалак қўйган тухумлар миқдори $\bar{X} \pm S \bar{x}$, дона	Қуруб қолган ва оталанмаган уруғ $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %	1 дона капалак қўйган тухумларни вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	Бир дона тухумнинг вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг
1	2	3	4	5	6
Мархамат-2017 тут нави билан парваришлаганда					
Линия-27	Ўрт.	558,4±1,06	1,32±0,21	313,4±0,16	0,561±0,01
	Pd	0,999	0,425	0,999	0,850
Линия-28	Ўрт.	562,7±3,14	1,55±0,05	294,0±3,26	0,523±0,01
	Pd	0,981	0,362	0,962	0,485
Линия-101	Ўрт.	534,0±14,0	1,84±0,04	317,4±14,0	0,592±0,01
	Pd	0,850	0,637	0,806	0,716
Линия-205	Ўрт.	545,0±4,05	0,93±0,04	296,7±8,25	0,544±0,01
	Pd	0,999	0,540	0,910	0,540
Мустақиллик-2018 тут нави билан парваришлаганда					
Линия-27	Ўрт.	531,5±2,65	2,08±0,19	293,7±0,12	0,552±0,01
	Pd	0,999	0,716	0,989	0,362
Линия-28	Ўрт.	529,3±0,69	0,87±0,14	288,6±0,57	0,545±0,01
	Pd	0,850	0,716	0,973	0,910
Линия-101	Ўрт.	522,1±9,85	0,62±0,16	291,2±10,3	0,555±0,01
	Pd	0,830	0,780	0,540	0,076
Линия-205	Ўрт.	549,7±24,4	0,63±0,24	304,3±7,00	0,555±0,01
	Pd	0,910	0,830	0,983	0,294

6-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
Жарариқ-12 тут нави билан парваришлаганда					
Линия-27	Ўрт.	501,7±7,64	1,31±0,37	269,4±1,40	0,536±0,01
	Pd	0,425	0,362	0,076	0,362
Линия-28	Ўрт.	524,0±4,08	1,40±0,53	304,7±30,0	0,519±0,01
	Pd	0,750	0,076	0,780	0,679
